

QILA DAVRASIDA

Mustahkam oila – yurt tayanchi

№ 47
(445)
2020-yil
19-noyabr
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqqa boshlagan.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

ИЗМИДА ҚОЛИБ
КЕТИШ –
ЧИНАКАМ ФОЖИА



3-бет



ЁЛҒОН ТУЗОФИ

Навоий ҳикматларидан
бирида...

6-7-бетлар

ЖИНСИЙ ТАРБИЯНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Бу масалада қайси
томон ҳақ?

4-бет



ТАБИЙ ГАЗ

Экспортга талаб кам
бўлса, аҳолида-чи?

3-бет

СУННАТДАГИ МУЪЖИЗАЛАР

Мероснинг баракаси

5-бет

ТАЪРИФИМИЗГА СЎЗ ЙЎҚ

ёхуд қўзичоқнинг
кучукка айланиши

5-бет

«Оила даврасида» газетасига

2021 ОБУНА

бошланди

«Оила даврасида» – энг
арзон, энг қизиқарли
ва оилангизнинг ҳар
бир аъзоси учун энг
фойдали нашр!



«Оила даврасида» бу – ўз
фикрингиз, мулоҳазангиз,
муносабатингиз билан
чиқишингиз мумкин бўлган
эркин минбар!

ОБУНА
БЎЛИШГА
ШОШИЛИНГ!

Батафсил
маълумот:

+99897 731-87-01

Обуна индекси –

193



СИРДАРЁНИНГ СИНАЛГАН ЭЛИ

одамларни
бирлаштирган
фалокатдан олти ой
утиб...

6-7-бетлар

БУ КАСАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИ БИР ДАҚИҚАГА ҲАМ ТЎХТАТИБ БЎЛМАЙДИ

«Кунни кеча Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият ҳам таҳлил қилинди.

Мамлакатимизда ўтган саккиз ой мобайнида COVID-19га қарши курашишда етарли тажриба тўплангани, тиббиёт ходимлари ҳам зарурий малакага эга бўлганлари таъкидланди.

Маълумки, «касаллик занжири»ни жиддий назорат қилган ҳолда карантин талаблари босқичма-босқич енгиллаштирилди. Аммо дунё мамлакатларидаги, қўшни давлатлардаги ҳолатни инобатга олиб, Ўзбекистонда бу касалликка қарши курашишни бир дақиқага ҳам тўхтатиб бўлмаслиги, чунки хавф-хатар ҳали ўтиб кетмагани айтиб ўтилди.

Бугун юртимизда ушбу вирус билан касалланганлар сони 70 минг нафардан ортгани, тузалганлар сони қарийб 68 минг (96 фоиз), ўлим кўрсаткичи 599 нафарни (0,9 фоиз) ташкил этаётгани кайд этилди.

Ҳокимлар, секторлар раҳбарлари ва соғлиқни сақлаш тизими мутасаддиларига қатор вазифалар юклатилди.

Аввало, коронавирус билан боғлиқ вазият доимий равишда жиддий таҳлил қилиниши, керакли хулосалар чиқари-



лиши лозим. Хусусан, ҳафтада камида икки кун ҳудуддаги пандемияга оид ҳолат билан алоҳида шуғулланиб, штаб йиғилиши ўтказилиши, мунтазам равишда Республика махсус комиссиясига шахсан ҳисобот берилиши белгиланди.

– Яна бир марта таъкидлайман, бу касаллик бефарқликни асло кечирмайди. Шу билан бирга, биз коронавирус пайтида тўплаган катта тажрибамиз ва олган чуқур хулосаларимиз асосида муносиб яшаш ва ишлашда давом этишимиз керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда Ўзбекистон бўйича 89 та муассасада 17 минг 500 ўрин COVID-19 билан касалланганлар учун ажратилган.

Ҳозирда ушбу ўринларда 6 минг 570 нафар бемор даволанмоқда. Қойкалар бандлиги Қ о р а қ а л - п о ф и с т о н - да 16 фоиз, Хоразмда 10 фоиз, Қашқадарёда 11 фоиз, Наманганда 19 фоизни, республика бўйича эса 38 фоизни ташкил этапти. Шу боис улкан маблағлар бекорга сарф бўлаётгани кайд этилди.

Шу муносабат билан, мутасаддиларга коронавирусга ихтисослашган шифохоналар фаолиятини чуқур ўрганиб, уларни оптимизация қилиш топшириғи берилди.

Маълумки, таълим-тарбия тизими тубдан такомиллаштириш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш борасида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди, ушбу икки ма-

салада яқинда алоҳида видеоселектор йиғилишлари ўтказилди.

– Мени мазкур фармон ва қарорларнинг жойлардаги ижроси, бу борада ҳокимлар қандай иш ташкил этаётгани ташвишга соляпти. Бугун ҳокимлар замонавий фикрлайдиган ва фидойи, жонкуяр халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларини ўз ёнига олиб иш кўрмас экан, амалий натижага эриша олмайди, – дея таъкидлади Президент Шавкат Мирзиёев.

Шундан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари мазкур йўналишлардаги ислохотларни амалга оширишда қуйи бўғин раҳбарларига шахсий намуна кўрсатиб, ҳафтада икки марта мактаблар ва тиббиёт муассасалари бўйича берилган топшириқлар ижроси билан шуғулланиши кераклиги кайд этилди.

ТАБИЙ ГАЗ

халқ эҳтиёжига мувофиқми?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда молия вазири Темури Ишметов жорий йилнинг 9 ойига оид давлат бюджетни бўйича маълумот берди. Берилган ҳисобот юзасидан бир қатор саволлар берилди. Жўмладан, Қонунчилик палатаси депутати Мақсуда Ворисова аҳолини табиий газ билан таъминлаш юзасидан савол берди.



– Ҳисоботда келтирилишича, табиий газ қазиб олиш 19,6 фоизга, газ конденсати ишлаб чиқариш 34,7 фоизга камайган. Бу бўйича савол берилганда жаҳон бозорида газ маҳсулотларига бўлган талабнинг пасайгани сабаб сифатида кўрсатилган. Яхши, жаҳон бозорида вазият шундай экан, нега ички бозоримиз – аҳоли талаби кундан-кунга ошиб бораётган бўлса, шунга йўналтирилмаяпти? Биз аҳолига бу вазиятни қандай қилиб тушунтираемиз?

Молия вазири бу саволларни Энергетика вазирлигига йўналтирди ва уларга вазир ўринбосари Шерзод Хўжаев жавоб берди:

– Табиий газ жаҳон бозорида камайганига эътибор қаратсак, Ўзбекистон Республикасида газ қазиб олиш фақат «Ўзбекнефтгаз» томонидан эмас, хорижий компаниялар томонидан ҳам амалга оширилади. Маълум бир даврда қўшма корхоналар экспортни тўхтатганлиги туфайли ишлаб чиқариш камайган. Шу билан бирга, ички бозорни таъминлашга масъул бўлган «Ўзбекнефтгаз» томонидан бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Бу ишлар талаб даражасида, кўзланган режаларга эришилди, деб айта олмайман. Аммо, ўтган йиллардаги ишлаб чиқариш ҳажми камайиш тенденцияси тўхтатилди. Ишонамизки, кейинги йил бу ўз самарасини беради.

Давлат статистика қўмитаси хабарига кўра,

2020 йил январ-октябр ойларида табиий газ қазиб олиш 40,4 миллиард куб метрни ташкил этди, бу 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 9,6 миллиард куб метрга кам (50,1 миллиард куб метр).

2020 йил январ-октябр ойларида Ўзбекистон 1,1 млн. тоннадан ортиқ газ конденсати қазиб олди, бу 2019 йилнинг шу даврига нисбатан кам (1,7 млн тонна).

582,6 миллиард тўланмади

UzAuto Motors 2020 йил давомида ярим триллион сўмдан ортиқ йиғимни бюджетга тўламагани маълум бўлди, дейилади 2021 йил учун Бюджетнома бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосасида.

«Ўзавтосаноат» АЖ тизимидаги автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчилари томонидан 2020 йил давомида янги автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун белгиланган йиғимлар тўланмасдан келмоқда. Ҳисоб палатаси хулосасида кайд этилишича, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган янги автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун йиғим



автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланиши кайд этилган.

Бироқ Ҳисоб палатасининг маълум қилишича, «Ўзавтосаноат» АЖ тизимидаги автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчилари томонидан 2020 йил давомида йиғим

тўланмасдан келинмоқда. Масалан, UzAuto Motors АЖ томонидан 2020 йилнинг январь - сентябрь ойларида 582,6 миллиард сўм йиғим тўланмаган.

Шу сабабли Ҳисоб палатаси «Ўзавтосаноат» АЖ тизимидаги автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчиларни йиғим тўлашдан озод этишни белгиловчи имтиёзни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлигини таъкидланган.

БМТ раҳбарининг чақириғи

«Катта йигирмалик» давлатларига таъсир қиладими?

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Антониу Гутерриш навбатдаги дам олиш кунларига мўлжалланган G20 - «Катта йигирмалик» мамлакатлари етакчилари виртуал саммити иштирокчиларига жаҳон иқтисодийтини сақлаб қолишларини сўраб, ёзма мурожаат йўлади, дея хабар берди ЎЗА.

Ушбу чақирик-мактубда жаҳоннинг энг кудратли давлатлари раҳбарларидан ривожланаётган мамлакатларни қўллаб-қувватлаш, глобал инқирозга юз келмаслик чораларини кўриш ва Барқарор ривожланиш мақсадлари шартларини бажариш сўралган. Бу ҳақда БМТ янгиликлари сайти хабар берди.

БМТ Бош қотибининг фикрича, «глобал рецессия глобал депрессияга айланиб кетмаслиги» учун лозим бўлган барча кескин чора-тадбирлар кўрилиши шарт. Шунингдек,

мурожаатда Гутерриш, айниқса, ҳозир пандемия туфайли юзага келган фавқулодда ҳолатни енгиб ўтиш учун етакчи арбоблар кучларни бирлаштириши, ҳамкорликда иқтисодийтни барқарорлаштириши зарурлигини таъкидлаган.

«Йигирмалик гуруҳи» – юқори тараққиётга, ривожланган иқтисодийга эга давлатлар ҳукуматлари ва марказий банклари раҳбарлари клуби. Тузилмага аъзо давлатлар биргаликда жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 85 фоизини, ер юзидаги савдо айланмасининг 75 фоизини таъминлаб беради.

Мактубда инқироз ҳолатидан чиқиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Кун тартиби ва Иқлим бўйича Париж битимини инобатга олган ҳолда олиб борилиши лозимлиги ҳам кайд этилган.

«Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас...»

Бу гапнинг айтилганига ҳам чорак асрдан зиёд вақт ўтди. Шу фурсат ичида инсон деб аталмиш мардум не-не эврилишларни бошдан кечирди ва кечирмоқда. Энг ачинарлиси, инсон мол-дунё, шон-шуҳрат, мансаб-мартаба топди. Улкан тоғларни ҳам тиз чўктирди, ҳатто аёвсиз вулқонларни жиловлади, лекин ўзи истаган тугал бахтга эриша олмади. Қорни тўйдию, кўнгли тўлмади...

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

ИЗМИДА ҚОЛИБ КЕТИШ — ЧИНАКАМ ФОЖИА

Бугунга келиб инсон ўз ҳаётини тугал даражада енгиллаштирди. Ўзига «ёрдамчилар» кашф қилди. Бир қанча вазибаларини бошқалар зиммасига ортиб қўйди. Аммо булардан бирон бир дилни ёритадиган наф чиқара олмади...

Сўнги пайтларда сунъий интеллект эгасини яратиш борасида оламшумул тадқиқотлар қилиняпти. Япония, АҚШ, Хитой олимлари инсоннинг ҳаёт тарзини янада қулайлаштиришга хизмат қиладиган, шу билан бирга, буйруқларни бе-хато бажара оладиган сунъий интеллект эгаларидан бир неча авлод вакиллари яратиб, инсониятга тақдим этишди. Улар меҳнати инсонни қараганда мақбулроқ ва камҳаражат экани алоҳида мулоҳаза қилиняпти.

Ишсизлик даражаси қанчалик ошиб, ҳатто қорин тўйдириш учунгина кун бўйи ёлланиб ишлашга мажбур бўлаётганлар сони ҳам шунга мувозий равишда ортадан ортиб борапти. Европанинг бир неча давлатларида саёҳатда бўлиб қайтган шоир Маҳмуд Тойир у ердаги дўконларда сунъий эркак ва аёллар сотилаётганига гувоҳ бўлганини афсус билан тилга олиб ёзган эди.

Ёзув кашф этилганда алломалардан бири «энди инсониятнинг хотираси ўлимга юз тутди», деган экан. Овозли фильмлар яратила бошлагач, машҳур санъаткор Чарли Чаплин шу билан кино санъати инқирозга қадам қўйганини айтган.

Бугун эса ҳаётимизга кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгиликлар кириб келяпти. Уларнинг деярли барчаси бизга турмуш тарзимиз, шароитимизни енгиллаштириш учун ўйлаб топилган воситалардир. Ҳақиқатдан ҳам шундайми?

Қўриқчиликка сунъий қоравул, сотишга сунъий сотувчи, уйда ҳеч ким йўқлигида келганларга жавоб беришга ҳам сунъий хизматчи, ҳатто болаларга қараб туришга сунъий энага ҳам кашф этилди. Сунъийлик баъзан асл яратиклардан устун мақомга чиқиб олди. Бу ҳодиса ўз-ўзидан маълумки, инсон кадрининг тушишига сабаб бўлди. Айниқса, ҳозирги пандемия шароитида сунъий интеллектдан унумли фойдаланиш асқатаётгани ҳақида жар солишлар кўпаяпти. Ишсиз қолиб кетаётган миллионлаб одамларнинг дарди эса тошни ёради.

Албатта илм-фан тараккиёти ҳаёт учун зарур восита. Яратилаётган ҳар бир мослама-ю ускуналарнинг нафини инкор этиш аҳмоқлик бўлади. Аммо нима бўлишидан қатъи назар инсон ўзи яратиб қўйган нарсаларнинг измига ту-

«Кўп урф-одатларимизни бировлар... бировлар ўзиники қилиб олди! Биз қўлимизни бурнимизга тикиб қолдик.

Шундай кета берсак, ҳадемай... ўзимизни-да бой бериб қўямиз!

Бу ёғи камдай, не-не нималаримизни эскилик сарқити деб йўқ қилдик. Хиёл бўлмаса, халқнинг ўзини-да... эскилик сарқитига чиқариб юборайин, дедик! Бугун буни йўқота берсак, эртага уни йўқота берсак, адирдаги... подадан нима фарқимиз қолади?..

...Тагин нималардир... нималардир йўқолиб борапти...

Авлодлар алмашган сайин... ё, пирим-э, туф-туф-туф... авлодлар алмашган сайин... юрак йўқолиб борапти!

Жасад бор! Ақл бор!

Юрак йўқ!

Тўрт муча бор! Куч-қувват бор!

Юрак йўқ!

Кўкракда жон бор!

Юрак йўқ, юрак!..


Фарзандлар ҳаётга бепарво қарайди. Мусибат билан хурсандчилик фарқига бормайди.

Фарзандлар ўзлари минаётган машинага ўхшайди! Одам ким, машина ким, билиб бўлмай қоляпти...»

Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» кассаси қахрамони Бўри полвон тилидан айтилган бу гаплар аини ҳақиқат эканини тан олмай иложимиз йўқ.

шиб қолиши, ўшанинг қулига айланиши бу – улкан фожа. Агар шундай бўлса, одамзот ўзининг табиий ҳолатидан узоқлашади. Соф тийнатишни темир-терсақка бой беради. Ўзини энг кичик қобикдаги хукмрон бўлиб қолганини хис қилолмай қолади. Ақл-заковатининг маҳсули, ўз ижодининг намунаси чизган чизикдан чикмасдан ҳаёт кечиришга маҳқум бўлади.

Узоққа боришнинг хожати йўқ: биргина мобиль алоқа воситасининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини бир мулоҳаза қилиб кўрсак, юқоридаги гаплар осмондан олинмаганига яна бир бор амин бўламиз. Орамизда бир ойда телефон учун сарфлайдиган отнинг қалласидек маблағни ҳатто фарзандига ҳам раво кўрмайдиганлар йўқ дейсизми? Бор! Афсуски, бу матоҳ бизга нафақат



барқарорлаштиришга, бир сўз бир айтганда синган кўзани ямашга ишлатиладиган бўлди. Асрлар давомида чуқмолига ҳам озор бермасликка чақириб келаётган ота-боболаримизнинг таълим тизими унутилди.

Бу ҳам бир нави.

Бундан ҳам даҳшатлироғи тобора автоматлашиб бораётган ҳаётимизда сунъий одамлар пайдо бўлаётганига нима дейсиз?! Ҳа, айнан шундай. Кўзлари очик, лекин ҳеч нарсани кўрмайдиган, кўрса-да кўрганларини мулоҳаза қилмайдиган, қиладиган иши шунчаки вақт ўтказишдангина иборат бўлган, нима қиладиганини, нимага яшаётганини жилла курса бир бор ўйлаб кўрмайдиган одамлар пайдо бўляпти. Қовун-қовундан ранг олиб, бундай нусхалар тобора кўпайиб борапти. Улар



ота-онамиздан, ҳатто ўзимиздан ҳам қадри бўлиб қолгани жуда аянчли. Айниқса, кўпроқ вақтини бўш-баёв ўтказадиганлар ҳар куни қанча вақтини телефонга сарфлаётгани тизгинсиз бир ҳолатга тушиб борапти.

Францияда футбол бўйича жаҳон биринчилиги ўтказилган йили олис-яқиндан келган футбол ишқибозлари хавфсизлигини таъминлаш учун антика бир мослама кашф этилди. У томошабинларга юзланиб турадиган ҳамда бирон хавф-хатар бўлса, дарров белги берадиган робот эди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, хавфни баргараф этишда у жуда қатъи ёрдам бериши мумкин. Аммо бу матоҳнинг нархи эшитган кишининг капалагини учирай юборади. Катта ўйингоҳга бундай матоҳдан бир нечасини ўрнатишга эҳтиёж бор экан.

Инсонлар дахлсизлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш учун давлат бир неча миллион доллар сарфлашга мажбур бўлган эди...

...Энг ачинарлиси, инсонга унинг таълим-тарбияси, ахлоқи, қалби ва эътиқоди, виждонини пок сақлаш учун ҳеч бир ҳаракат қилмасдан шуларнинг ҳаммасидан мосуво бир кимсанинг устига минг-минглаб «сунъий кўриқчи»лар қўйиладиган бўлди. Миллиардлар таълим-тарбияга эмас, нотинчликнинг олдини олишга, беқарорликни

ҳатто қатта-қатта стулларда ўтирадиган бўлган. Уларнинг сояи давлатида истаган ишини қилиб юрганлар ҳам кўп. Ён-атрофда, узоқ-яқинда бўлаётган нотинчликлар, беқарорликлар аҳоли учун жуда қимматга тушаётган «ўйинлар» ана шундай сунъий одамларнинг сунъий ўйинлари оқибатида юзага келяпти.

Ҳазрат Навоийнинг «Ҳар ишники қилмиш одамизот, Тафаккур бирла билмиш одамизот» деган чақирғи сунъий нусхалар учун бугун одам каби кадрсиз бир ҳолатга келиб қолди. Йўқса, сунъий нарсаларни яратишдан олдин табиий яратиклардан унумли фойдаланиш масаласи муҳимроқ ўринда турган бўлар эди.

«Ренессанс» деган фарангча сўз бизнинг тилимизда «қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ» каби маъноларни берар экан. Бизда у асосан «уйғониш даври» тушунчасини ифодалаш учун ишлатилади. Чиндан ҳам ҳозирги вазиётда нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё учун бир уйғониш, уйғонганда ҳам чинакам одам бўлиб уйғониш, одам бўлиб яшаш зурарати мавжуд. Шу маънода, бошланаётган хайрли ишларда ҳар бир инсоннинг ўз ўрни, масъулияти бор. Шу ҳақиқатни кўпчилик англаб етса ва шунга оғишмай ҳаракат қилсагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Абдукарим АВАЗБЕКОВ

ТАРБИЯДА ТАРТИБ БЎЛСА, ЗАРАРИ ЙЎҚ

Гап болаларни боғчадан бошлаб жинсий ҳаётга ўргатиш ҳақида кетяптими?

«Эшитдиларингизми, Сенат Раиси болалар боғчаларидан бошлаб жинсий тарбия дарслари ўтилиши керак, деган эмиш. Уят эмасми, болаларга шунақа нарсани гапириб бўладими?..» Ушбу мавзу сўнгги кунларда ижтимоий тармоқларда энг кўп муҳокамаларга сабаб бўлди. Шу тўғрида биз ҳам озроқ мулоҳаза қилиб кўришни лозим топдик.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева (у Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси раиси ҳисобланади) «тарбия дарслари» доирасида болалар боғчаларидан бошлаб, барча таълим муассасаларида жинсий тарбия дарслари ўтилиши зарурлигини айтди. Шундан кейин ижтимоий тармоқларда бундай тарбиянинг тўғри ё нотўғрилиги борасида баҳслар бошланиб кетди.

Сенат раҳбарининг аниқ нима дегани ҳақида куйроқда тўхталамиз. Ҳозир эса, бошдан айтиб қўя қолиш керак: жинсий тарбияни жорий қилиш – тўғри ва керакли иш. Масала унинг қай йўсинда амалга оширилишидир.

Нима учун тўғри ва керакли? Келинг, бир чеккадан бошлайлик.

Жинсий тарбия болалар, ўсмирлар ва балоғат ёшидаги йигит-қизларда жинсий масалаларга тўғри муносабатни шакллантиришга қаратилган тиббий-педагогик чора-тадбирлар мажмуасини ўз ичига олган бўлиб, ундан кўзланган бош мақсад никоҳ ва оила институтини мустаҳкамлаш орқали ижтимоий фаровонликни оширишдан иборат. Албатта, қатор ижтимоий муаммоларнинг (юқумли венерик касалликлар, ОИТС, гендер саломатлик, балоғатга етмаган қизларда ҳомиладорлик, аборт ва ҳоказо) олдини олишга йўналтирилган бундай тарбиянинг физиология-гигиена, педагогика, одоб-ахлоқ, менталитет билан боғлиқ ўзига хос жиҳатлари бўлади.

Тарихда турли давр ва турфа мамлакатларда жинсий тарбияга ёндашувлар анъана ва урф-одатлар таъсирида қолиб келган, яъни аксар ҳолларда эътибордан фаромуш бўлган. Фақат

XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин «жинсий инқилоблар» авж олиб, «яккаю ягона жинсий ахлоқ – эркин ишқий муносабатлар» шиори майдонга келгач, аниқроғи, шулар натижасида юқумли венерик касалликлар ва ОИТСга чалиниш, балоғатга етмаган қизларда ҳомиладорлик ва аборт каби ҳолатлар кўпайиб кетганидан сўнггина бу масала жамоатчиликда давлат органлари эътиборини ўзига жалб қилди.

Бугунги кунда қатор Ғарб давлатларида, масалан, АҚШ ва Нидерландияда «жинсий маърифат» кенг тарқалган ва ортиқча истиҳоло ё эҳтироссиз ишлатилган атамага айланган бўлиб, жинсий тарбия мактабгача тарбия муассасаларидан бошланади. Ўсиб келаётган ёш авлодга жинслар ва жинсий ҳаёт масалалари билан боғлиқ анато-

мик-физиологик, жинсий, гигиеник ва бошқа маълумотлар босқичма-босқич бериб борилади. Бу ёшларнинг «катта ҳаёт»га эртароқ кириб қолишига йўл очаётгани йўқ. Хусусан, Нидерландияда ёшлар жинсий алоқаларни ўртача 18 ёшдан бошлайди (кўплаб Ғарб мамлакатларида бу кўрсаткич 16 ёшга тенг), балоғатга етмаган қизлар орасида туғруқлар сони мингтадан бештани ташкил қилади (дунё бўйича энг кам миқдорлардан бири), ОИТС билан касалланиш даражаси ҳам анча паст.

Демак, жинсий тарбиянинг фойдаси бор экан. Келиб чиқадикки, бу – долзарб масала. Ҳаммаси ишни тўғри йўлга қўйишга боғлиқ.

Бу ўринда «менталитетимизга тўғри келмайди» деб бирданига қарши турувчиларга юзланиб айтиш керакки, ҳеч ким ёшларга жинсий

Кейинги босқичда ахлоқий ва гигиеник қоидаларни ўргатиш фойдали бўлади. Айрим гапларни гапиришда эса эҳтиёт бўлиш керак. Дейлик, менталитетимизда «сенга фалончини олиб бераман» каби эркалалаш бор. Болада меҳрни кучайтириш яхши, лекин меъёр бузилмаслиги керак. Токи, у ўзидан каттароқ, «юқорироқ маълумотли»лардан нималарнидир суриштиришга киришиб кетмасин. Ота-она бир-бирига хурмат ва меҳр кўрсатса, бола учун бундан яхши ўрнак йўқ.

Инсон улғайгани сайин танада ўзгаришлар юз бериши табиий ҳол. Қизлар ҳайз кўради, йигитлар эҳтилом бўлади. Бундай ҳолларда кимдан нимани сўрашни билмай, ўз ёғига қоврилиб юрганлар асабий, тез чарчайдиган, диққатини жамлай олмайдиган, ўқиши оқсайдиган бўлиб қолиши мумкин. Мана шу босқичда улар ўзининг касалга чалинмаганини, бу жараёнлар табиий эканини билиши керак. Демак, бу ёшдагиларга ҳам ўз вақтида керакли маълумот берган маъқул. Акс ҳолда, ўсиб келаётган ёш йигит-қизлар руҳияти бузилиши, бу уларнинг кейинги ҳаётига таъсир кўрсатиши мумкин.



Ёш авлод ўсиб борар экан, унга аста-секин, ҳаёлини бузмаган ҳолда, худди овқатланишдан олдин қўл ювиш саломатлик қоидаларига қанчалик мос бўлса, жинсий ахлоқ ва тозалик ҳам одоб ва соғлом турмуш тарзи меъёрларига шунчалик уйғун эканини ўқтириб бориш лозим бўлади.

ҳаётни ипидан игнасиғача ўргатиб қўйишни даъво қилмаяпти. Бузуқлик керак бўлса, ҳозир – интернет замони, ҳамма ахтарганини топиб олаверади. Мақсад, юқорида айтилганидек, никоҳ ва оила институти муқаддаслигини сақлаш, шу орқали қатор ижтимоий муаммоларнинг олдини олишдир. Бунда болани ёши ва жинсига қараб, босқичма-босқич равишда тарбиялаш муҳим.

Масалан, боғча ёшида болани дастлаб тозалikka ўргатишнинг, ота-онага фарзандига ноқулай кийим кийдирмасликни маслаҳат беришнинг ҳеч қандай зарари йўқ. Бу чоралар жуда бўлмаганда глистлардан (ичак қуртлари) зарарланишни камайтиради. Қарабсизки, бола ҳам хушчақчақ, ота-она ҳам хотиржам. Бу ёшда фарзанд болани лайлак олиб келишига ишонади, шунинг ўзи унга кифоя.

Шу тарика ёш авлод ўсиб борар экан, унга аста-секин, ҳаёлини бузмаган ҳолда, худди овқатланишдан олдин қўл ювиш саломатлик қоидаларига қанчалик мос бўлса, жинсий ахлоқ ва тозалик ҳам одоб ва соғлом турмуш тарзи меъёрларига шунчалик уйғун эканини ўқтириб бориш лозим бўлади. Бундай тарбияда барча ахлоқий, ижтимоий, гигиеник жиҳатлар мужассам қилинса, авлод баркамол бўлиб вояга етади.

Муҳими, тарбияда тартиб бўлиши керак. Қорани қора дейишда фикрни мустаҳкамлаш учун окни кўрсатиш зарур бўлганидек, окни оқ дейишда ҳам қорани кўрсатиш керак.

Масалан, аёл киши табиатан юз-кўзи, соч турмаги, кийими, пардозни ёқимли бўлишини хоҳлайди. Ким учундир эмас, умуман ёқимли бўлгиси келаси. Бу – табиий. Лекин лабини шиширтириш, ясама қош-киприк қўйиш, пластик жар-

роҳликка уннаш, упа-эликка ва тўғри келган-келмаган ҳар хил модага ҳаддан ортиқ берилиш – табиийлик белгиси эмас.

Худди шундай, эркак киши кучли, виқорли, келишган, ҳозирги замон истилоҳи билан айтганда, «крутой» бўлиб кўринишни истайди. Лекин бунинг учун у тенгдошлари ва катталарнинг «маслаҳати» билан чекиш, ғўддайиш, тату қўйдириш, мушакларни укол билан шишириш, катта кетиш каби иллатларни ортириб олмаслиги керак.

Мана шуларни тўғри тушунтириш ҳам жинсий тарбияга киради.

Оилавий ҳаётнинг фаровонлигини таъминлашда иқтисодий масала асосий ўринлардан бирини эгаллаши яхши маълум. Менталитетимизда «эсиз Фалончи, иккита-учта бола билан ўтиб кетяпти» деган қараш аста-секин чекланиб, замонга мос соғлом режалаштириш фикри устунлашяпти. Ёш келин-куёвлар тиббий кўриқдан ўтйпти, «исталмаган ҳомиладорлик»нинг олди олиняпти. Демак, умуман гапирмагандан кўра, чиройли қилиб, менталитетимиз доирасига солиб, англаган маъқул. Буни қарангки, истиҳоло қилиб, гапирилмагани учун шўро давлати ўз даврида абортлар сони бўйича дунёда етакчилар қаторига чиқиб олган экан. Сабаби – одамлар керакли маълумотларга эга бўлмаган. Ундан кўра огоҳлантирган яхши эмасмиди?!

Ҳеч қандай жинсий тарбия шарт эмас, ҳозирги интернет замонида ҳамма ўзига керакли нарсани «ўргимчак тўри»дан топиб олаверади, деб ўйлаш қанчалик тўғри? Топишга – топади. Лекин гап – қандай топишида, нимани топишида, излаш жараёнида нималарга дуч келишида, ҳамма кўрганларини қандай талкин қилишида, буларнинг барчаси кейинги ҳаётида қандай акс этишида. Ёш йигит-қизлар никоҳга, оилавий ҳаётга қанчалик тайёр, эрлик

ёки хотинлик масъулиятини қанчалар ҳис қилади? Агар «оммавий маданият» таъсирида, «яккаю ягона жинсий ахлоқ – эркин ишқий муносабатлар» руҳида катта бўлган бўлса, эртага фарзандларига қандай тарбия беради? Шунақалар кўпайса, жамиятнинг ҳоли не кечади? Савол кетидан савол туғилаверади...

Шунинг учун жинсий тарбия керак. Лекин унинг қандай бўлиши, қай тарзда йўлга қўйилиши жуда мураккаб масала.

Дарвоқе, Сенат Раиси Танзила Норбоева бундай деган эди: «Гинеколог масаласида, қизлар кўринмаслиги керак деган стереотиплар бор. Жинсий тарбия масаласи биз учун ёпиқ мавзу ҳисобланади. Ҳеч ким гапириши мумкин эмас. Деярли кўп оилаларда, ҳаттоки ота-она ҳам фарзандларига шу нарсаларни гапирмайди. Бу нотўғри. Биз ўйлаймизки, жинсий тарбияни ёш болалардан олиб бориш керак. Президентимиз ташаббуси билан мактабларда тарбия дарси киритилди. Вазирликларга шу тарбия дарсида, албатта, жинсий тарбия йўналиши, гендер тенглик масалаларини киритишни, қизларни алоҳида, ўғил болаларни алоҳида ўқитиш, тайёрлаш вазифасини қўйдик.

Ҳозир тарбия дарс соатларига мана шу нарсалар киритилган.

Ўқув дастурларини шу даражада назорат қилишимиз керакки, ўғил бола, қиз болага керакли билимни беришимиз лозим. Мактаб-гача таълимда ёшга мос қилиб, ўзини доирасида, юқори синфларда ва олий таълим муассасаларида қизлар ва ўғил болаларни оилага тайёрлаш, репродуктив саломатлик, туғиш, сақлашни, қариндош уруғ ўртасидаги никоҳ ва бошқалар тўғрисида очиқдан-очиқ маълумотларни беришимиз керак.

Биз ёнганимиз сари интернет очиқ. Интернетда ёмон нарсаларни ўрганяпти. У салбий оқибатларга олиб келяпти. Шунинг учун, ундан кўра, дўст бўлиб, дугона бўлиб, ота, ака-ука бўлиб, маълумотни бергани, менимча фойдалироқ бўлса керак.

Бизнингча, бу ерда уят бўладиган ҳеч нарса йўқ.

Динимиз оилани муқаддас санайди. Куръони Карим эр-хотин бир-бири учун либос эканини айтади (*Бақара сураси, 187-оят*), яъни баданнинг айбларини яшириб, уни иссиқ-совуқдан асраб, ҳарорат бағишлаб туради. Мана шу руҳда жинсий тарбия беришни йўлга қўя олсак, бу, албатта, ютуғимиз бўлади.

Бир ҳадис ҳам келтирайлик. Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга бир аёл эрининг эътиборсизлигидан шикоят қилиб келади. Суриштирилганда, у одам куну-тун фақат рўзаю намоз билан банд экани аён бўлади. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам унда қориннинг ҳам, кўзнинг, тананинг ҳам, хотиннинг ҳам, фарзандларнинг ҳам ҳаққи борлигини айтадилар. (*Имом Бухорий ривояти*). Шундай тарбия бера оламизми?

Юлиан Семёновнинг «Раис учун бомба» асарида 60-йилларда ГФРда прокурор билан бир ёш қизнинг суҳбати келтирилади. Ундан олинган куйидаги жумла Ғарбнинг ўша даврдаги киёфасини аниқ очиб беради:

– *Ҳа, жаноб прокурор, нимани сўрамоқчи бўлаётганингизни тушундим, хижолат бўлманг, ўзим айтаман. 15 ёшимда. Ҳа, мени озгина шоштиришди. Лекин аслини олганда, ўзим ҳам жуда кечикиб кетиш ниятида эмас эдим...*

Биз буни кўчиришимиз, бу кизга ҳавас қилишимиз керак эмас.

Радий Фишнинг «Жалолиддин Румий» асарида эса куйидаги савол-жавоб келтирилади:

– *Ёпиқ ва юмуқ нечта?*
– *Учта!*
– *Сана!*
– *Тил, камар, кўз.*
– *Очиқ нечта?*
– *Тўртта!*
– *Сана!*
– *Қўл, юз, дастурхон, юрак.*
– *Дуруст юриш қондаси нечта?*
– *Бешта.*
– *Сана!*
– *Кибру ҳаво қилиб юрмаслик, атрофга алангласлик, бошқалар ортидан кузатмаслик, кексаларни қувиб ўтмаслик, шерикларни куттириб қўймаслик.*

Буни олишимиз мумкин. Мухтасар айтганда, тарбия ҳеч қачон бефойда бўлмаган. Яхши маънодаги тарбия, албатта. Иш ажодларимизнинг илмий-маънавий мероси руҳида ва энг хайрли удум-анъаналаримиз асосида ташкил этилса, жинсий тарбия ҳам, шубҳасиз, фойдали бўлади. Шунинг учун масъулларга юзланамиз:

Ташаббусингиз долзарб ва маъқул. Ишни ҳам маъқул ва мақбул қилиб ташкил эта оласизларми?!

«САҲИҲУЛ БУХОРИЙ»ДА

Расули Акрам муъжизалари

Мероснинг бутун қолиши

IV-жилд. 2781-ҳадис. *Жобир ибн Абдуллоҳ Ансорий розияллоху анхумо отасининг Уҳуд жангида шаҳид бўлиб, олти қизи ҳамда зиммасида қарзи қолганини сўзлаб, бундай деди:*

«Хурмони узиш вақти келганда Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга бориб: «Эй Аллоҳнинг Расули, отам Уҳуд кунини шаҳид бўлганини ва зиммасида кўп қарз қолдирганини биласиз. Мен ҳақдорларнинг сизни кўришларини истардим», дедим. **«Бориб, ҳар нав хурмони алоҳида уюм қил»**, дедилар.

Мен шундай қилдим-да, сўнг у зотни чақирдим. Ҳақдорлар Набий соллаллоху алайҳи васалламни кўришди-ю шу заҳоти мени кистовга олишди.

У зот уларнинг қилаётган ишларини кўргач, энг катта уюм атрофида уч марта айландилар-да, сўнг

унинг ёнига ўтирдилар. Кейин: **«Ҳақдорларингни чақир»**, дедилар. У зот Аллоҳ отамнинг омонатини адо этгунича уларга ўлчаб беравердилар.

Аллоҳга қасамки, Аллоҳ отамнинг омонатини адо этса, сингилларимга бир дона хурмо орттириб қолмасам ҳам рози эдим. Аллоҳга қасамки, уюмларнинг ҳаммаси бутунлигича қолди, ҳатто боя Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам ёнига ўтирган уюмга қарасам, ундан бир дона хурмо ҳам қамаймагандек эди».



От шиддатининг ортиши

IV-жилд. 2867-ҳадис. *Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:* «Бир сафар Мадина аҳолиси ваҳимага тушди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам Абу Талҳанинг секин йўрғалайдиган отини миниб кетдилар. Қайтиб келганларида: **«Бу отингиз денгиз экан»**, дедилар. Шундан кейин у билан чопишиб бўлмайдиган бўлиб кетди».

ЛУҚМА



Азбаройи Худо, айтингизчи, бизнинг ўрганмаган нимамиз қолди?! Терилган пахтани яна қайтариб кўсакка елимлаб чиқишни биламиз. Раҳбарнинг кўнгли кўтарилади, деймиз-да. Ўзидан сўраб кўрмаганмиз, сездими-сезмадими, баҳарнав гап эшитганимиз йўқлиги боис «маъқул»га йўйдик.

АНДОҚМИЗКИМ, ТАЪРИФИМИЗГА СЎЗ ЙЎҚ

Уч-тўрт йил олдин арчаларни яшилга бўяб эдик. Бу фокусимиз ҳам ўтди чоғи, энди чимни ҳам яшиллаштира бошладик.

Ўтган йили, денг, ишхонамиз ёнидаги идора ишчиларидан бирининг «Ёнғин хавфсизлиги бурчаги»даги белкурак, челақ, болта ва бошқа ашёларни сариққа бўяётганини кўриб қолсам бўладими! У идорага янги келган раҳбарга қизил ранг ёқмас экан, «управделами»дан шундай топшириқ тушибди.

Биз нақ шайтонга дарс берадиган бўлиб боряпмиз, деб кўйдим.

Шаҳарликлар кўй кўрмаган-да. Бир даврада аллақайси танишимизнинг таниши айтиб қолди: русий-забон бир кампиршога кўзичокни «пудель» (*қимматбаҳо кўппак зоти шундай аталар экан*) деб сотиб юборибди. Эринмай қанчадир вақтдан кейин девор орқасидан кампиршо-




нинг уйини пойлабди. Кўзига гўшт берармиш, у – емасмиш, майсага ёпишармиш. Кампиршонинг ҳайратига чек йўқ эмиш. Давра мазза қилиб қулди.

Андоқмиким, таърифимизга сўз йўқ, деб кўйдим.

Ҳа-я, дарвоқе, кеча ўша кўшни идоранинг ёнидан ўтаётсам, ишчилардан бири «Ёнғин хавфсизлиги бурчаги»даги белкурак, челақ, болта ва бошқа ашёларни яна қизилга бўяётганини кўриб қолдим. Раҳбари ўзгарган шекилли-да...

УЙҚУ ҚОЧГАНДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР



Ҳақиқатан ҳам бойиб кетишим учун мени неча марта танимай қолишлари керак?!


Олий жазога ҳукм қилинган одамни ўлдирсам, мени жазолашадими ё макташадими?!

«Этик кийган мушук»даги этик кийган мушукнинг исми нима эди?!

Шамолнинг бошини топиш мумкинми?!

Товуқ туҳум пўстини қаерда олса экан-а?!

mp3 ва mp4 форматлардан кейин яна қанақа форматлар чиқади?!



Сайди ака дарёга ўхшар эди...

Миллий журналистикамиз яна бир улкан намояндасидан айрилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, публицист Сайди Умиров 82 ёшида оламдан ўтди.

Ўзлаб шогирдлар тарбиялаган устоз журналист 1938 йил 10 февралда Самарқанд вилояти Пайариқ туманида тузилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси, «Олтин қалам» миллий мукофоти соҳиби эди.

Устознинг оиласига ва барча яқинларига ҳамдардлик билдирамыз.

Завқ

Сайди Умировга

Сайди ака дарёга ўхшар
Гоҳо сокин, гоҳо мавж урган.
Кўзи бола кўзидай яшнар,
О, бу кўзлар неларни кўрган.
Хар кун кўнгли гулдай

куртаклаб,

Бу дунёга саломлар айтар.

Уйдан чиқар тонгни етаклаб,

Уйга шомни етаклаб қайтар.

Саксон ёзи, саксон баҳори

Гуллаб ётар яхши ниятдан.

Зарур бўлса самимиятга

Дарс берар у самимиятдан.

Саксон қиши, саксонга кузи

Юрагидан олган андоза.

Табиатан бу одам ўзи

Табиатнинг ўзидай тоза.

Гоҳ ибодат, гоҳида ўлан,

Завқ-шавқига йўқдир ниҳоя.

Кўнглидаги болалик билан

У ҳаётни қилар ҳимоя.

2018 йил

Эшқобил ШУКУР



Алишер Навоий бобомизнинг «Хайрат ул-аброр» дostonларида ота-онага ҳурмат, иймон, адолат, сахийлик, тўғрилик, омонатга хиёнат қилмаслик, сабр-қаноат, вафо, шукр, айниқса, ростгўйликка даъват етакчилик қилади. Мана шундай фазилатларга эга бўлган одамнинг оила ва атрофдагилар олдида обрўйи ва ҳурмати ошиши таъкидланади.

Ота-онасини ранжитадиган, ваъдасида турмайдиган, бировнинг омонатига хиёнат қиладиган, дўстга вафосиз, ёлғон сўзлайдиганларнинг уятга қолиши ёки бирор фалокатга учраши айтилади. Достондаги «Ёлгонни чин деб сўзлайдиган дуррожнинг ўз ёлғони тузоғига тушгани. Уни ёлгончилигини билган дўсти шернинг дуррож дод-фарёдига парво қилмагани ва фалокатдан қутқармагани», деб номланган ҳикоятда етти ёшдан етмиш ёшгача ибрат бўларлик воқеа баён этилади.

Бор эди бир бешада бир тунд шер,

Ваҳшат аро кўк асадидек далир...

Яъни бир чангалзорда самодаги асад буржидек улкан, бадқовок она шер яшар эди. Ундан ҳамма кўрқар, кўзи тушган жонзот борки, уни узокроқдан айланиб ўтишга, ўткир кўзларидан йироқроқ бўлишга уринарди. Кушлар эса, шернинг қадам товушини эшитганлари заҳоти «пирр» этиб учиб кетишарди. Кунлардан бир куни шу шер болалади. У чангалзорнинг бир жойидан бошқа

ЁЛҒОН

жойига кўчганда ўзининг жажжигина, ҳали кўзлари ҳам очилмаган болаларини оғзида тишлаб юрарди. Чунки чангалзорда заҳарли илонлар бўлиб, болаларини чақиб олишидан хавотирда эди...

Худди шу чангалзорда бир дуррож ҳам истикомат қиларди. У доимо шернинг ўкириги, қадам товушидан ваҳимага тушарди. Мурғак болаларини оғзига тишлаб чангалзорда юрган шер ўзига яқинлашди дегунча, унинг бутун вужудини қалтироқ босар, «пирр» этганча кўздан ғойиб бўларди. Оёғи остидан учиб кетган дуррож шовқини чўчитиб юборган шер, оғзида тишлаб келаётган боласига тишини ботириб олганини билмай қоларди. Оқибатда ожиз шерча озор чекарди.

Ҳикоятнинг шу жойида ибрат бўладиган биринчи хулоса бор. Ҳаётда баъзи одамлар бошқаларнинг ўзидан кўркишини ишташади. Шу билан мақтанишни яхши кўришади. Ҳатто зўрлик билан жамиятда ўрин топмоқчи бўлишади. Мана шундай фикрлайдиганлар шер билан бўлиб ўтган ушбу воқеани билиб қўйсалар ёмон бўлмасди. Зотан, ниҳоятда кучли, довурак, барча ҳайвонларнинг шоҳи бўлган шер ҳам бошқаларнинг ўзидан кўркиши сабаб фойда эмас, зарар кўрди. Жонзотларга ҳайбати ва зўравонлиги билан даҳшат солгани боис, жонидан азиз боласига озор етказди.

Ўзидан кўрқиб-қалтирайдиган ожизгина бир куш туфайли пайдо бўлган бу муаммо-

ЮРТ МАНЗИЛЛАРИДА



Бугун ёш ва навқирон Сирдарё вилоятига бобо куёш ҳам ўзининг заррин нурларини мўл-кўл сочаётгандек. Вилоятнинг ҳар бир маҳалласи, кўчаси, хонадониди амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари нафақат ён-атроф гўшани, балки одамлар онгу тафаккурини ҳам бутунлай ўзгартириб юбормоқда.

Уюр-уюр йилқи,

кўзи-кўйлигим,

Хар қишлоқ, ҳар уйи

ўлан тўйлигим,

Даврада қомати осмон

бўйлигим,

Сирдарё – нурафшон,

нурхонам менинг,

Хизр назар қилган

Гулхонам менинг.

Чиндан ҳам, Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулоймонни мафтун этган юрт айни дамда сатҳи-самосида бахт таронасига маҳлиё бўлганича ҳайрати ҳаяжонга чулғаниб бормоқда. Вилоятда ободончилик, бунёдкорлик ишлари кенг қулоқ ёзган. Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси саяё-ҳаракати ва

ташаббуси билан, Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «Журналист ва ҳаёт» лойиҳаси доирасида Сайхун бўйларига амалга оширилган пресс-тур давомида ҳаёлимда илк жонланган фикрлар шундай бўлди.

Кеч кузакнинг сўлғин, хазин нафосати билан нафас олаётган далаларга тикилган кўйи, табиат ва ҳаётдаги мислсиз ўзгаришлар устида ҳаёл қилиб борардим. Хабарингиз бор, бу йил Сирдарё халқи учун синовли, имтиҳонларга бой йил бўлди. Май ойининг бошларида Сардоба сув омбори дамбасининг уриб кетиши нағижасида Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманлари аҳолиси озмунча жабр кўрмади. Экин экилади-

ган минглаб гектар ер майдонлари, турар жой ва маъмурий иншоотлар вайронага айланди.

Гулистон шаҳридан ўтиб Ховос томон ярим соатга яқин йўл босар-босмай димоғимизда ёвшану шувок каби гиёҳлар бўйини туйдик. Тожикистон билан туташган чегарада жойлашаган Ховос кўрғони атрофига бирлашган эл-улуснинг, бу манзилнинг қарийб икки минг йиллик тарихи бор. Бу манзилнинг ҳар қаричи қанча-қанча босқинлар, ғалабаю мағлубиятлар аламини тортмаган дейсиз. Қадимшунослар Ховос кўрғонида қазилма ишларини олиб борган маҳалларида у ердан икки минг йиллик тарихга эга бўлган лаган қолдиқларини топишган. Мазкур ноёб топилма Марказий Осие археологлари ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлди. Ҳозирда ўша экспонат яқиндагина иш бошлаган Ховос тарихий музейини безаб турибди.

Хабарингиз бўлса керак, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 19 февралда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш мақсадида Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида Ховос туманида ҳам бўлиб, давр таракқийтидан бирмунча орқада қолаётган, илдизи олис тарихга бориб такаладиган кўҳна Ховос

шаҳарчаси негизда одамларнинг яшаши учун қулай бўлган замонавий шаҳар қурилиши бош режаси билан танишган, уни янада такомиллаштириш борасида зарур кўрсатмалар берган эди. Шундан кейин «Бунёдкор» маҳалласи худудида «Ховос сити» қурилиши бошланиб кетди.

Қисқа вақт ичида меҳнат ва бандликка кўмаклашиш маркази, Халқ банки, кадастр хизмати, туман электр тармоқлари корхонаси, туман ҳокимлиги бинолари, аҳоли дам олиш маскани, «Хотира майдони» мажмуаси каби қатор объектлар фойдаланишга топширилди. Қишлоқда туғилиб ўсган одамлар учун болалик кадриятлари доим кадрли. Шунинг учун ҳам кўп қаватли уйлар атрофида ҳатто тандирхоналар қуриб берилди. Болалар майдончасининг замонавий қиёфаси бу ерда истикомат қиладиган ёш авлод учун айниқса катта совға бўлди.

«Бунёдкор» маҳалласи худудида янги ўқув йили арафасида математика фанини чуқур ўрганишга ихтисослашган 350 ўринли замонавий мактаб қад ростлади. Айни вақтда «Ховос сити» бунёдкорлари томонидан 42 гектарлик хуудда қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Бу ерда 780 хонадонга мўлжалланган ўттизта кўп қаватли уй-

лар қурилиши ниҳоялаб қолди.

Ёш оила соҳибларидан бири Сулаймон Пўлатов Эски Ховосдаги «Дўстлик» маҳалласидан «Ховос сити»даги кўп қаватли уйга аёли билан кўчиб келди. Дастлаб у мазкур уч хонали квартира учун 15 миллион сўм тўлаган эди. Бундай кўп қаватли уйларнинг умумий нархи 160 миллион сўмни ташкил этар экан.

...Сафаргул жуфти ҳалоли, уйининг қуёши Қозоғистонда вафот этганини эшитибок, худди ўтирган жойида илон чаққандай, ирғиб туриб кетди, сочини юлиб, фарёд чекканча қолди. Уч нафар норасида бўтадек бўзлади. Аммо осмон олис, ер қаттиқ, вақт энг яхши малҳам дегандек ҳаёт давом этарди. Ёлғиз аёлнинг рўзгор аравасини тортиши осон эмас.

– Тақдирнинг бу қалтис зарбасига тишимни-тишимга босиб чидашимга тўғри келди, – дейди Ховос туманидаги «Бунёдкор» маҳалласида истикомат қилувчи Сафаргул Исмоилова. – Мана, давлатимиз мени, уч нафар норасидамни кўчада қолдирмади. Бу ердаги намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйга кўчиб келгунимга қадар ўн уч йил ижрада, беш йил дала шийпониди умргузаронлик қилишимга тўғри келган эди. Хайрият, оиламнинг бошига ҳам уй-жойли бўлиш



ТУЗОФИ

ёхуд «Кизб туз эл оллида мазмум эрур»

дан шернинг юраги ғамга ботарди. Бу ғамдан қандай қутулишини билмай, куну туни мотам билан ўтар, боши котарди. Шунда унинг хаёлига «Яхши сўз билан илон индан, ёмон сўз билан пичоқ қинидан чиқади», деган ҳикмат келди. Қанчалар кучли, обрўли ва довюрак бўлмасин, бир ожиз дуррож олди бош эгиб боришни ор билмади. Унинг кўнглига йўл топиш лозим, деган хулосага келди. Дуррожга ўзи билан дўст бўлишни таклиф этди. Уни ўз ҳимоясига олишга ваъда берди. Шу тарика, шер билан дуррож абадий дўст бўлишга аҳдлашдилар. Демак, одам қанчалик кучли, довюрак, обрў-эйтиборли бўлмасин, дўстсиз яшолмас экан. Ҳар қандай муаммо дўстлик туфайли ечим топиши мумкин экан.

Ҳикоятдан олинган иккинчи хулоса дуррожнинг ёлғонни кўп гапириши билан боғлиқ.

*Шер эшитиб анинг илҳонини,
Фаҳм қилиб савтида ёлгонини.
Дер эди: «Ёлгон демаким, шум эрур,
Кизб туз эл оллида мазмум эрур».*

Шер унинг хонишини эшитиб, ёлгон сўзлашини билиб қолди. Дўстлик аҳд-паймони садақати боис дуррожга тўғри йўл кўр-

сатиб, шундай насиҳат қилди: «Ёлгон сўзлама. Бунинг оқибати ёмон бўлади. Эл сени ёлгончи деб таниса, сандан нафратланади». Аммо ҳайвонот шоҳи билан дўст бўлганидан маст дуррож бундай насиҳатга эйтибор бермас, ёлгон (*кизб*) сўзлашини қўймас эди.

Дуррож, худди Навоий бобомизнинг бошқа бир ҳикоятларида келадиган ёлгончи чўпондек, ўз ёлгонлари билан кўп бор шернинг садоқатини «синаб кўрди». Ёлгондан дод солиб, дўстини ёрдамга чақирди. Зудлик билан ёрдамга етиб келган шер эса, дуррожнинг фалокати эмас, аҳмоқона ёлгонининг устидан чиқарди. Оқибатда шер дуррожга ишонмай қўйди. Қунлардан бир куни дуррож, рости билан, ўз ёлғони тузоғига илинди. Қасдига тушган бир овчи уни тутиб олди. Аммо дуррож шу даражада кўп ёлгонлаган эдики, бу сафар шер унинг ростдан дод солаётганига ишонмади. Шундай қилиб, дуррож шундай улғвор, довюрак ва обрўли дўстининг ишончига хиёнат қилди. Ёлгончилиги боис содиқ дўстидан, ҳатто ҳаётдан жудо бўлди.

Ҳикоят хулосасида, Навоий бобомиз, барча-барчамизга, айниқса, ҳаётнинг мураккаб сўқмоқлари томон эндигина қадам ташлаётганларга шундай мурожаат қилади:

*Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил,
Рост наво нағмага таҳсин дегил...*

Улуғ бобомизнинг бу ҳикоятларини ҳаммамиз ҳаёт йўлимизда дастуриламал қилсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

Узоқ ЖўРАҚУЛОВ,
филология фанлари доктори

ОЛАМ ВА ОДАМ

БУРГУТ БЎЛИШ ОСОНМИ?!

Бургут ҳақида шеър ёзмаган шоир йўқ ҳисоби. Бургутнинг ҳаммадан баландда, деярли қанот қоқмасдан донишларча, виқор билан қилаётган парвозини қузатиб, унга ҳавас қилмаган инсон бўлмаса керак. Лекин, шошмай туринг, бургут учун бундай шухратнинг қанчалик машаққатли тўловлари бор эканини кўрайлик.



Қирқ ёшга етганида бургутнинг чангалидаги тирноқлар ҳаддан ортиқ узун ва оқибатда ўта қайрилувчан бўлиб қолади. Бу ўлжани чангаллаш имкониятини кескин камайтириб юборади.

Шу билан бирга, бу ёшда бургутнинг ўта ўткир ва кескир саналган тумшуги бесўнақай бўлиб ўсиб кетади. Оқибатда олдида тайёр ўлжа бўлган тақдирда ҳам бургут ундан эт узиб ея олмай қолади.

«Ўрта ёш»нинг бургут учун яна бир салбий томони қанот ва кўкракдаги патлар тарвақайлаб ўсиб, тўзиб кетишидир. Бу унинг парвозини жуда қийинлаштириб юборади.

Шундай ҳолатда бургутнинг олдида икки йўл қолади – ё очдан ўлиш, ё 150 кунгача чўзиладиган азобли «муолажа».

Иккинчи йўл шундан иборатки, бургут тоғнинг энг тепа чўққисидаги инига бориб, тумшугини қояга уриб, қира бошлайди. Тумшук тамомила парчаланиб кетиши керак. Кейин ўрнидан янги тумшук ўсиб чиққунга қадар узоқ кутишга тўғри келади. Сўнг бургут янги ўткир тумшуги билан тирноқларини суғуриб олиб ташлайди ва... яна анча вақтини кутиш билан ўтказади. Ниҳоят, тирноқлар ўсиб чиққач, қаноти ва кўкрагидаги узун патларни юлиб, анча енгиллашиб олади.

Ана шундагина, яъни ўртача беш ойдан кейин бургут янгидан туғилгандай бўлади ва парвозларни давом эттириб, бемалол ов қила олади.

Унинг янги ҳаёти 30 йилча давом этиши мумкин экан.

СИНАЛГАН ЭЛИ

фалокатдан олти ой ўтиб...



битган экан. Ҳозир болаларим билан мана шу замонавий уйда турамыз. Ичкарида каттагина иссиқхона ташкил қилганмиз. У ерда помидор, бодринг ва турли хил кўкатлар етиштирамиз. Рўзғордан ортганини бозорга чиқараман. Қасаначилик асосида уйда ишлайман.

Умуман олганда, «Бунёдкор» маҳалласида Сафаргул сингари кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ночор оилаларнинг элликтасига намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар бепул берилди. Ушбу уй-жойлар қурилишига 12 миллиард сўм маблағ сарфланган. Аҳамиятлиси, Ховос тумани ҳокимлиги минтақада ишсиз кишиларни фойдали юмуш билан банд қилиш масаласига жиддий аҳамият қаратмоқда. Бунда энг аввало, бугун ва эртанги кунда ана шу кишиларнинг тақдир қандай кечиши,

туман хазинасига пул қаёқдан келиши сингари долзарб масалалар эйтибор марказида бўлиб турибди. Илгари раҳбарлар вилоят ва республика миқёсидаги машваратларда қоп-қоп ваъда беришарди, бироқ ўша ваъда мажлис майдонидан чиқишлари билан бутунлай унутиларди.

Ишсизлик муаммосининг ечими – янги корхоналар очиш. Ана шундай корхоналардан бири «Ховос сити»га яқин манзилда барпо этилди. Айни паллада бу ерда бир неча юзлаб хотин-қизлар иш билан банд. Нозик ва чевар қўлларда сайқал бериб тайёрланган болалар кийим-кечаклари кўриниш ва сифат жиҳатидан хорижликдан асло қолишмайди. Бу буюмларга нозик хилқат соҳибаларнинг меҳр тафти сингари сезилиб турибди.

...Тонг ҳали бўзармаган. Ташқари кўр қоронги, қишлоқ аҳли ширин уйкуда эди. Фақат-

гина, тун қушлари тўсатдан у ёқдан, бу ёққа «пир» этиб учиб ўтади. «Ҳали тонг отишига пича борга ўхшайди, негадир бугунги сахарда ғашлик бордай», – деди чол ташқарига чиқиш учун тимирскаланаётган кампирга қараб. Ҳаял ўтмай эшик яқинидаги икки табақали деразани очди. Сал димикқан хонага субҳи содиқнинг саррин салқини урилди. Айни шу маҳал тонг суқунатини қишлоқ одамларининг ваҳимага тўла, хавотирли қичқирғи бузиб юборди. «Тўғон уриб кетибди!», «Оёқни қўлга олиб қишлоқни тарк этишимиз керак, акс ҳолда кутириб келаётган сув остида қолиб ҳалок бўлиш ҳеч гап эмас!..», «Ташқарида машиналар кутиб турибди!..»

Бу тахлит совуқ хабар бир зумга эл-улусни қарахт ва тушунарсиз ҳолатга тушириб қўйди. Бир зум нима қилишларини

билмай талмовсираб қолишди. Ташқарида ҳарбий машиналарнинг гувиллаши, фавкулудда вазиятлар, миллий гвардия, мудофаа, ички ишлар ходимларининг одамларни шошилинч равишда машинага олиб чиқиш тадбирлари бошланиб кетди. Сув тошқини хавф солган Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги тўрт минг етти юз ўн хонадон аҳолиси зудлик билан беҳатар жойларга кўчирилди...

Мана шу ваҳимали дамларга ҳам роппа-роса олти ярим ой бўлди. Ҳозир ўша кунларни одамлар бир ёмон тушдай эсга олишади. Мирзаобод туманида истикомат қилаётган Даврон ва Нигора Мамаисаева оиласи ҳам Сардоба тўғонининг тошқинидан кўп азият чекишди. Уй-жойидан, мол-ҳолидан мосуво бўлди. Хайриятки, шундай қалтис бир вазиятда давлатимиз Даврон ва Нигора сингари минг-минглаб оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлади, кўмак қўлини чўзди. Бу оила ҳам яқинда «Янги Ўзбекистон» маҳалласидаги кўп қаватли уйдаги уч хонали квартирага эга чикди.

Ҳа, Мирзаобод туманининг «Янги Ўзбекистон» маҳалласи худудиди беш ой давомида 12 гектар майдонда қирқта беш қаватли, саккиз юз хонадондан иборат кўп қаватли уй қурилиб, Сардоба фалокатидан зарар кўрган оилаларга топширилди. Биз борган ку-

нимиз ҳам мазкур кўп қаватли уйларга юзга яқин оила кўчиб ўтаётган экан. Янги хонадон эгаларининг юз-кўзларидаги қувонч аломатларини кўриб, кўнгил равшан тортди. Сув тошқинидан зарар кўрган хонадонлар ерлари, участкалари сақлаб қолинди. Ҳар бир хонадонга қирқ миллион сўм товон пули, уй жиҳозлари учун ўн миллион сўм маблағ ажратилди. Аслида Мирзаобод тумани «Навбахор», «Барлос», «Ҳақиқат» маҳаллалари худудлари тошқиндан кўп зарар кўрган эди. Шу сабабдан кўп қаватли уйларга асосан ўша худудлардаги аҳоли кўчириб келтирилди.

Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод – қишлоқ туманлари. Шу важдан одамларнинг тирикчилиги кўп жиҳатдан она заминга, ердаги экин-тикинига боғлиқ. Эндиликда бу қишлоқларга ҳам саноат ва бошқа даромадли соҳалар жадал кириб кела бошлади. Буни Сардоба туманидаги «Дўстлик», Оқолтин туманидаги «Янги Тошкент», Мирзаобод туманидаги «Янги Ўзбекистон» маҳаллалари худудларида «Сардоба текстиль», «Нурли келажак», «Нафис либослар» сингари янги корхоналар очилганидан ҳам билиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, кеч кузакнинг оромбахш кунларида Сирдарё вилоятининг бир-биридан обод, кўркем манзилларида бўлиб, яратувчилик юмуши билан банд бўлган меҳнат аҳли билан гурунглашиб, улкан, ажойиб таассуротлар билан ортага қайтдик.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» муҳбири

Умрингиз ҳисоблими?

Албатта, бу саволга ҳамма ижобий жавоб беради. Дунёга келиб-кетишимиз Яратганнинг измида эрса-да, пешонага битилган муддатдаги ҳаётимизни маънили ўтказиш ўзимизга боғлиқ эканини яхши биламизу бироқ унга амал қилишни унутиб қўямиз.

Чунки серғалва олам ташвишлари бунга изн бермайди. Шунинг учун санокли одамларгина умрининг ҳар дақиқасини оқилона ҳисоб-китоб билан ўтказишга ва қомилликка яқинлашади.

Ҳисобли умр деганда биз нима ва қандай тушунишимиз керак ўзи? Бу борада маслаҳат ва ўғитлар алломалар томонидан истаганингизча ёзиб қолдирилган. Хулоса шуки, фақат мақсад аниқ қўйилган умргина ҳисобли бўлади. Акс ҳолда, яшаш учунгина кун ўтказамиз, холос. Бинобарин, Рим файласуфи Сенека «Ҳаётга келган биринчи соатдан умримиз қисқара бошлайди» деганда юз карра ҳақ эди.

Келинг, бир эксперимент қилиб кўрайлик. Бир суткалик ҳаётимизни таҳлил қилайлик. Айтайлик, бир кеча-кундузда уйкуга ўртча 7,5 соат ажратамиз. Тушликка бир, эрталабки ва кеч-

ки тановулга ярим соатдан, жами – 2 соат. Соат 9.00 дан 18.00 гача ишда бўламиз. Эрталабки бадан-тарбия, сайр ва ювинишга бир соат (бу ҳол аёл ва эркакларда ҳар хил бўлиши мумкин). Телевизор кўришга – 3 соат. Газета, китоб ўқишга – 1 соат.

Энди ишдан кейин фарзандни мактаб ёки болалар боғчасидан олиш, тўй ва бошқа тадбирларда қатнашиш, концерт ёки театрға кириш, ҳатто хаёл суришга кетган вақтингизни ҳам ҳисоблаб чиқинг. Кейин эса, имкон ва ҳафсала топганда иш вақтингиз таксимоти, бўш вақтингиздаги тадбирларни таҳлил қилинг. Йиллар давомида устозлардан ўрганишга ва шогирдларга ўргатишга, фарзандларга бағишланган онларни киёслаб, ўрганинг, хулоса чиқаринг, ўзингизга баҳо беринг. Негаки умр – Сизники,

ҳаётлигингиздаги ҳар бир лаҳза фақат Сиз учун қадри, унинг ҳисоб-китобини юритиш ҳам Сизнинг зиммангизда.

Умрни баҳолашнинг яна бир оддий, осон йўли бор. У ҳам бўлса, ўз ҳаётингизни бошқаларники билан таққослашда. Бир ўрганиб кўринг, буюк одамлар сизнинг ёшингизда нима ишлар қилишга улгуришган? Баъзи улуғ ёзувчилар Сиз бугун ўқишга ҳафсала ва вақт тополмаётган асарларини неча ёшда ва неча кунда ёзишган. Улар бизга ўхшаб тўй-маъракаларда, туғилган кун ва фойдасиз давраларда бўлишганмикин?

Хуллас, бу фикрни истаганча давом эттириш мумкин. Оқил киши ана шу қиёс орқали ўз умрига баҳо бера олади. Хўш, биз, аниқроғи, Сиз қачон оқил бўласиз?

Сўзимнинг охирида форс шоири ва тарихчиси Абдибек Шерозийнинг ушбу фикрINI келтираман: «Кун ўтганда «ўтди» деб бепарво бўлма, у умрингдан бир ҳиссаси камайганини билдиради».

Фармон ТОШЕВ

Ижтимоий тармоқлар оралаб...

Шаазим Миноваров
14 ч.

Нега «томоша»нинг ўрнига «шоу» кўланмоқда?

Хамонки гап тилимизга эътибор устида бораётган экан айрим мулоҳазаларни баҳам кўришга ботиняпман.

Дунё бўйича турли йўналишларда таржима жараёнининг кўлами ҳам ортиб борапти. Икки кун аввал телевизорда намоёиш қилинган бадиий фильмлардан бирида қуйидаги ибора кўлланилди: «Сен датский шахзодамисан?..» Умуман, шунга ўхшаш иборалар фильмларнинг таржималарида учраб туради. Афсуски, таржимонларимиз «Датский шахзода» – «Дания шахзодаси», «Рижский қахрамон» – «Рига қахрамони» ва бошқа шу қаби ҳолатларга эътибор бериб ўтирмайдилар. Бундай хатолар ҳам саводсизлик ва жаҳолатнинг белгиси?

Таржима тилларни бойитади, деб ҳисобланади. Чиндан ҳам шундай: технология, техника, информатика, математика, ракета ва бошқа шунга ўхшаш аталар албатта бошқача айтилмайди. Лекин нега биз «эълон»нинг ўрнига «анонс», «томоша»нинг ўрнига «шоу», «ижодий»нинг ўрнига «креатив», «кўнгилли»нинг ўрнига «волонтер» қаби сўзларни кўллашга ўтиб борапмиз?

Биринчи ҳолатда, таржима жараёнлари тилни бойитади, деб қабул қилинса, иккинчисидан, аксинча «паразит» мақомидаги сўзларнинг кириб келиши ва тилдан жой олиши, уни нурсизлантиради. Тилимизга эътиборли бўлайлик.

Фулломжон Мираҳмедов
10 ч.

Тузум мақтовига

«Ихтисослашган» опа

Шу кунларда олис кишлок мактабларида «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш» (адашмасам шундай) шиори остида ўтаётган тадбирларни кузата туриб талабалардаги бир ҳодиса эсимга тушди.

Олий ўқув юртининг иккинчи курсида таҳсил олаётган, ҳали ҳовурим босилмай осмонда учиб юрган кезларим эди.

Бир куни деканамиз ҳамма гуруҳдошларни олдиға солиб, «Камолот» (ҳозирги Ёшлар агентлиги)нинг марказий биносига олиб келди. Кейин билсак санъатимизнинг «буюк дарғалари» билан учрашувға фон учун келган эканмиз.

Хуллас, ўша тадбир олдидан ўша вақтда ҳам машхур сўзга чечан опа ҳаммамизни турғазиб, «Мен Президент фарзандиман, Ўзбекистон келажак буюк давлат, Келажак ёшлар кўлида», деб баралла, қайта-қайта бақиримизни талаб қилди. Табиийки, бир-иккита талаба эътироз билдирдик. Аммо шу қайсарлигимиз бошимизга бало бўлди. Ўзидан мулоим ва меҳрибон инсон қиёфасини ясаб олган опанинг асл башараси очилди ва бизни ношукриқда, хоинликда айблаб, ҳатто, ота-онамиздан эшитмаган гаплар билан роса сийлади.

Сўнги уч-тўрт йилда шу опани кўп тадбирларда кўрдим. Кўзини пирпиратмасдан, бир шоир таъбири билан айтганда, «ўша қора туш кўриб юрган кунлар»имизга лой чаплаб, ҳозирги «дорилмон» кунларни оғзидан бол томиб мақтаяпти...

Хуллас, замон ва маконга, тузумға қараб, тусини ўзгартирадиган, гўёки ўзини ватанпарвар қилиб кўрсатадиган, аслида ҳеч қандай пасткашликдан тап тортмайдиган бундай кимсалар орамизда жуда кўп. Афсуски, бундайларнинг на давлатға, на халққа фойдаси тегади. Иккиюзламачиликдан, маддоҳликдан бошқасига ярамайди улар...

Дарвоқе, ўша опа айна пайтда ўтаётган баландпарвоз тадбирларнинг ҳам асосий иштирокчиси.

ПАЗАНДАЛИК

Керакли масаллиқлар: мол гўшти – 200 гр., гречка – 0,5 кг., картошка – 2 дона, помидор – 3-4 дона, пиёз – 2 дона, қизил сабзи – 1 дона, булғор қалампири – 2 хил 1 донадан, саримсоқ – 6-7 бўлакча, сельдр кўкати.

ГРЕЧКА ПАЛОВ

Тайёрланиши: Гўшт ўртча катталиқда бўлақларға бўлинади. Пиёз паррак қилиб, картошка кубик шаклда, булғор қалампири, сабзи, саримсоқ, сельдр эса ундан кичикроқ қилиб тўғралади. Помидорни қирғичдан ўтказиб олиш керак.



Қизиб турган қозондаги ёққа пиёз солиб, новвот ранг бўлгунича қовурилади. Сўнг гўшт солинади. Бироз қовурилгач, помидор солинади. Яна бироздан сўнг картошка, сабзи, булғор қалампири, саримсоқпиёз ва кўкат кетма-кет солиниб, қовурилади.

Тузи ростланиб, сув солинади. Сув ҳамма масаллиқларни кўмиб туриши шарт. Суви қайнаб чиққач, қозон тағи олови пасайтирилади ва шу ҳолатда 30 дақиқа қайнатилади.

Тозалаб ювилган гречка қозонға солиниб, олови баландланади. Бунда, қозоннинг ҳамма томони бир хилда қайнашиға эътибор беринг. Суви тортилгач, қозон қопқоғи ёпилиб, олови ош дамлагандагидек пастланиб, 10-15 дақиқа димланади.

Ёқимли иштаҳа!

ИНТЕЛЛЕКТ

Айиқполвон ва Россия

Ҳозир Фарбда айиқни Россия билан боғлашди ва бу ҳеч кимға сир эмас. Россияда бўлмаган баъзи чет эллиқлар ушбу мамлакат кўчаларида айиқлар бемалол юради, деган тасаввурда ҳам бўлади. Ҳатто айиқларни ароқхўрга чиқарадиганлар бор.

Савол: *Айтингчи, Фарбда айиқполвонни Россия билан боғлашларининг асл сабаби нима?*

Жавоблар келгуси ҳафтанинг чоршанба кунига қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Telegram: (+998 97) 444-80-84

Газетамизнинг 2020 йил 12 ноябрь 46-сонидан берилган саволнинг жавоби: **Форобийнинг кўпчилик олимларға нисбатан ажралиб турувчи жиҳати, у жуда камбағал бўлган.**

ЎТКИР НИГОҲ



Маҳмуджон ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Ҳуснидин
БЕРДИЕВ

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.

Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-1137
ISSN 2181-6190
Обуна индекси — 193
Алади: 1 644 нуска.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.

Чоп этишға топширилди: 20:00

